

## ЖАДИД МАКТАБЛАРИДА ҒАЗАЛ ЎҚИТИШ ТАЖРИБАЛАРИ ҲАҚИДА

Дилфуза Боқижон қизи ТҶХЛИЕВА

Таянч докторант

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ОБ ОПЫТЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ГАЗЕЛИ В ДЖАДИДСКИХ ШКОЛАХ

Дилфуза Боқижон қизи ТҶХЛИЕВА

Базовый докторант

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Ташкент, Узбекистан

## ABOUT THE EXPERIENCE OF LEARNING GHAZAL IN JADID SCHOOLS

Dilfuza Boqijon qizi TUXLIEVA

Basic doctoral student

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Tashkent, Uzbekistan [tuxlievadilfuza@gmail.ru](mailto:tuxlievadilfuza@gmail.ru)

UDC (УЎК, УДК): 371.035 (575.1)

### For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):

Тўхлиева Д. Б. Жадид мактабларида ғазал ўқитиш тажрибалари ҳақида.//

Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — Б. 128-136.

<https://doi.org/10.36078/1625809766>

**Received:** May 17, 2021

**Accepted:** June 17, 2021

**Published:** June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Миллий методикамиз узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу йўлда бой тажрибалар тўпланди. Улардаги энг устувор жиҳатлардан бири — таълим ва тарбиянинг уйғунлигига эришишга асосланганлигидир. Айни мана шу жиҳатнинг мунтазам ва узлуксизлиги таълим-тарбия жараёнининг кафолатлигини таъминлаган эди. Шунга карамай, бу ривожланиш бир текисда кечган эмас: ушбу жараёнда кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар, хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Ушбу силсилада мумтоз жанрлар тизими, хусусан, ғазал жанрини ўрганиш ҳам алоҳида, ўзига хос ўринга эга. Зеро, ғазал ўтмиш мумтоз адабиётимиздаги энг фаол ва оммавий жанрлардан. Шунга кўра, у қадимдан нафақат миллий методикамизнинг, балки миллий таълим-тарбия жараёнининг ҳам ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ушбу мақолада жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат ва Абдулла Авлонийнинг янги усулдаги мактаблар учун ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-танқидий мақолаларига таяниб, XX аср бошларидаги мактабда ғазал жанрини ўқитишга оид тажриба ва қарашлар таҳлил этилган. Уларнинг ўз давридаги дарслик ва ўқув қўлланмалари учун ўқитиш воситалари, жумладан, ғазалларни танлашдаги принциплари, ўқитишда қўллаган усуллари ўрганилиб, бу борадаги ҳаракатларнинг илмий-методик баҳосини беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мазкур усулларнинг бугунги замонавий адабий таълимдаги ўрни ва аҳамияти қиёслаб кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** ғазал; адабиёт ўқитиш методикаси; мавзу; шакл; жадид мактаби; дарслик; методик қўлланма; интеграция; аудио китоб; ифодали ўқиш; аруз вазни; техник восита.

**Аннотация.** Национальная методика прошла долгий путь развития. В этом направлении накоплен богатый опыт. Одним

из приоритетных направлений в ней выделяется соответствие обучения и воспитания. Постоянство и непрерывность — именно эти аспекты обеспечили гарантию процессам образования и воспитания. Несмотря на это, развитие шло не всегда плавно: естественно и то, что в этом процессе, естественно, были изменения, нововведения и ошибки. В цепочке изучения системы классических жанров изучение газели имеет определенное место. Поскольку газель была одной из общераспространенных и активных жанров классической литературы, которая успела найти прочное место не только в национальной методике преподавания литературы, но и в национальной системе обучения и воспитания молодежи. В настоящей статье на основе учебников и учебных пособий, написанных для новометодных школ, и литературно-критических статей таких представителей движения джадидизма, как Мунавваркори Абдурашидханов, Абдурауф Фитрат и Абдулла Авлоний, осуществлён анализ опыта и точки зрения относительно обучения газели в школах в начале XX века. Определены основные принципы отбора учебных материалов, в том числе и газелей, а также методы и формы обучения, которые применялись при обучении газели, дана научно-методическая оценка этих опытов. А также показаны роль и место этих форм и методов в системе современной методики преподавания литературы.

**Ключевые слова:** газель; методика преподавания литературы; тема; форма; джадидская школа; учебник; методическое пособие; интеграция; аудиокнига; выразительное чтение; метрика аруз; технические средства.

**Abstract.** The national methodology has come a long way of development. A wealth of experience has been accumulated in this direction. One of their priorities is based on the combination of education and upbringing. The regularity and continuity of this aspect also ensured the guarantee of the educational process. However, the development has not been smooth: it is natural that in the process there will be many changes, updates, errors and omissions. The system of classical genres, including the study of the ghazal genre, has a special place in this series. After all, ghazal was the most active and popular genre in our classical literature. Therefore, it has long been an integral part not only of our national methodology, but also in the national system of teaching and educating young people. This article analyzes the experience and views on teaching the ghazal genre in schools in the early twentieth century, based on textbooks and manuals, scientific and critical articles for new schools which were written by the great representatives of the Jadid movement Munavvarqori Abdurashidkhanov, Abdurauf Fitrat and Abdulla Avloni. By studying the basic principles of the selection of educational materials, including the ghazal, as well as the methods and forms of teaching that were used in teaching the ghazal a scientific and methodological assessment of these efforts is given. The role and importance of these methods in modern literary education are also presented in a comparative way.

**Keywords:** Ghazal; methodology of teaching literature; topic; form; jadid school; textbook; methodical manual; integration; audiobook; expressive reading; aruz metric; technical means.

**Кириш.** Мумтоз адабиётимизнинг салмоқли қисмини ғазал жанридаги шеърлар ташкил этади. Ўз навбатида, ғазал мактаб-мадрасаларда ҳам мунтазам ўқитилган адабий жанрлар сирасига кирган. Мактабхона ва мадрасаларда “Ҳафтияк” (Қуръони Каримнинг еттидан бири), “Қуръон”, “Чор китоб” дан сўнг Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Хожа Ҳофиз Шерозий (1326–1389), Алишер Навоий (1441–1501), Муҳаммад Сулаймон Фузулий (1498–1556), Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–721), Сўфи Оллоёр, Машраб (1640–1711) ва бошқа шоирларнинг ғазаллари ва бошқа шеърлари жамланган девонлари ўз даври учун дарслик вазифасини ҳам бажарган (9, 412). Аммо эски мактаблар учун махсус дарсликлар мавжуд бўлмаган.

XX аср бошларидан эътиборан Туркистонда ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари мустамлака зулмидан халқни озод этиш, ватанни ҳимоя қилиш, юртни тараққий қилган мамлакатлар қаторига қўшишнинг ягона йўли илм-маърифат эканлигини англаганлари ҳолда янги усулдаги мактаблар барпо эта бошладилар. Саидрасул Саидазизов (1866–933), Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат (1861–1937), Сиддикий – Ажзий (1864–1927), Абдуқодир Шуқурий (1875–1943), Бехбудий (1875–1919), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889–1929) каби зиёлилар турли усул ва воситалар орқали халққа маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатдилар. Улар бошчилигида янги усулдаги жаҳид мактаблари ташкил топди, ўқув дастурлари тузилди, ўқувчилар учун илк маротаба дарсликлар ёзилиб, нашр қилинди.

Биз ушбу мақолада мазкур дарслик-мажмуаларда ғазал жанрининг ўрни, уларни ўқитишда қўлланилган тажрибалар, уларни танлаш тамойиллари билан танишиш ва таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик. “Жаҳид мактабларида фанларни ўқитиш методикасига оид бирор таълимий-услубий асар яратилган эмас, яратилган бўлса ҳам, бизгача етиб келмаган бўлиши мумкин. Жаҳид педагогларининг дарс бериш усуллари, ўқитиш услубиятига муносабат ҳақида маълумотлар жуда кам сақланган. Аммо ушбу масалаларга муносабат улар яратган дарсликларда, ўқув қўлланмаларда, замондошлари хотираларида турли шаклларда ўз ифодасини топган” (4, 44).

**Асосий қисм.** Мунавварқори Абдурашидхонов (1878–1931) Тошкентда илк “усули савтия” мактабини ташкил этган жаҳидлардан бўлиб, “Адиби аввал”, “Адиб ус-соний”, “Ҳавойижи диния”, “Даҳр ун-нажот” каби дарсликлар муаллифидир. Афсуски, биз мазкур дарсликларда бир неча асрлар давомида таълим беришда етакчи восита вазифасини бажарган ғазал жанрига оид бирор шеърый асарга дуч келмаймиз. Бу ҳолат, аввало, ушбу дарсликларнинг барчаси бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланганлиги билан изоҳланса, кейинги сабабни муаллифнинг ўзи 1906 йил 14 июнда “Тараққий” газетасида босилган “Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб” мақоласида аниқ баён этган. Мунавварқори мақолада куйидагиларни ёзади: “...муаллимлар ҳам аксариятин қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари вазҳидан бечора маъсумаларни истеъдоди зотиясиға наззора икки йил зарифида жами лавозумоти динияни билдурмоқ мумкин ўлгон ҳолда, тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума китобларға умри азизни барбод этарлар... Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хожа Ҳофиз, Бедиллар каби улуг зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни

зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларга бу китобларнинг таълими бефойда демакдир” (2, 93).

Шунингдек, Мунавварқори Абдурашидхонов эски мактаб ва мадрасаларда ёш болаларга ўқитиладиган сўфиёна, риндона мазмундаги ғазалларга ҳам танқидий ёндашиб, “...ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатини билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳири ила амал қилиб, фасод ахлоқга мубтало бўлмоқ хавфи бордур” (2, 94) дея қатъий фикр билдирган.

Ушбу мақоладаги уч жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, адиб юқорида номлари зикр этилган шоирларнинг девонларидан савод чиқариш мақсадида фойдаланиш самарасиз эканлигини таъкидлаган. Иккинчидан, девонлардан жой олган ғазалларнинг ўқувчи ёш хусусиятларига мос эмаслигини махсус таъкидлаган. Учинчидан, ўқувчига тақдим этилаётган материалнинг мазмунига, аудиториянинг адабий тайёргарлигига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, акс ҳолда бундай материаллар ўқувчига фойда бериши у ёқда турсин, балки ахлоқий тарбиясига жиддий салбий таъсир кўрсатишини қайд этмоқда. Дарҳақиқат, ғазал жанри бугунги муайян адабий тайёргарликка эга замонавий ўқувчи учун ҳам ҳамон қийин ўзлаштириладиган, бир қанча илмий ва методик адабиётлар, замонавий воситалар билан таъминланган ўқитувчи учун эса мураккаб ва тушунтириш учун кўп меҳнат талаб этадиган мавзулар сирасига киради. Адиб томонидан илк мактаб ёшиданок бундай қийинчиликларга дуч келган эски мактаб тарбияланувчилари юзасидан билдирилган ушбу фикрлар ўз даври учун қанчалик долзарб ва асосли ҳисобланган бўлса, бугун ҳам миллий методикамиз учун қимматини сақлаб келмоқда.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси Фитрат (1886–1938) қаламига мансуб бир неча дарслик ва қўлланмаларда ҳам ғазал жанри ва уни ўқитиш билан боғлиқ тажриба, фикрларга дуч келамиз. Олим 1914 йили тайёрланиб, 1915 йили нашрдан чиққан “Раҳбари нажот” асарининг “Ахлоқ тарбияси” бўлимида ўз пайтида мактаб ва мадрасаларда ўқитиладиган ишқий мавзудаги ғазалларни кескин танқид қилиб, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирган эди: “...сиз “сен таърифлаган бу китоблар ва ғазалларнинг ҳар бири бир тасаввуфий маънони беради, — деб айтишингиз мумкин. Масалан, шаробдан мурод — илоҳий ишқ, маъшуқа дегани — ҳазрати Вожиб ут-таолодир”. Жавобим шуки, бу пинҳоний маъноларни болалар у ёқда турсин, ҳатто муаллимлар ҳам тушунмайди. Улар бу ғазаллардан фақат шаробхўрлик ва маъшуқабозликни тушунишади ва ахлоқлари бузилади, вассалом” (12, 198–199).

Фитрат 1926 йили “адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун” қўлланма сифатида тайёрлаган “Адабиёт қоидалари” китобининг “Форс-араб арузида тизим шакллари” бобида ғазалга қуйидагича таъриф беради: “Биринчи байтнинг ҳар ики мисраида, ондан кейин ҳар байтнинг охирида қофия бир турли бўлган тизмалар 12 байтдан ортуқ бўлмаса ғазал бўлади. Юрак “лиризми” шеърлари кўбрак ғазал шаклида айтилади” (11, 50).

Бундан ташқари китобнинг “Аруз”, “Қофия” каби бўлимларида ҳам ўрни билан, ғазал жанрига оид тушунчалар изоҳлаб ўтилган. Тўғри, Фитратгача ҳам ғазал назариясига оид китоблар етарлича ёзилган эди. Лекин уларнинг ҳеч бири махсус ўқитувчилар учун яратилмаган, бундан ташқари уларни оддий мураббийлар қўлига ҳам етказиш мушкул масала бўлган. Шу нақтаи назардан қараганда, мазкур

қўлланмада ёритилган адабий-назарий тушунчалар жуда қисқа ифодаланса-да, таълимни бутунлай янги усулда ташкил этаётган педагоглар учун яратилган муҳим методик қўлланма вазифасини ўтаган.

Абдулла Авлоний (1878–1934) ҳам янги усулдаги мактаблар ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган педагоглардан ҳисобланади. “Авлоний дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилади. Негаки, янги мактабнинг афзаллигини шунчаки тарғиб қилиш, ўз ўқувчилари мисолида кўрсатиш ҳали кифоя эмас эди. Янги ўқув системасининг кенг ёйилиши учун унинг принципларидан келиб чиқиб ёзилган дарсликлар ҳам керак эди” (11, 96). Адибнинг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (1909–1916), “Биринчи муаллим”(1912), “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” (1913), “Иккинчи муаллим”(1915) каби дарсликлар ана шу долзарб эҳтиёж туфайли ёзилган.

Абдулла Авлонийнинг илк яратган дарслик-мажмуаси тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” деб номланган. Унинг биринчи жилди 1909 йили нашрдан чиқади. Бир қарашда у шоирнинг илк ижодий ишларидан намуна — шеърлар тўплами сифатида кўриниши мумкин, аслида эса уларни Абдулла Авлоний ўз шоирлик маҳоратини намойиш этиш учун эмас, балки мактабларда ўқитиладиган “шеър таълими” фани учун дидактик ашёлар тўплами — дарслик вазифасини бажарувчи қўлланма сифатида ёзган. Китоб муқаддимасида адиб қўлланманинг яратилиш сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Туркистон халқи аввалдан шеърға ҳарисроқ ўлуб, савод чиқармакни шеър китобларин дурустлаб ўқий олмакдан иборат билдиклариндан мактабларда ўқутмак учун яна шул эски китобларнинг бирина эҳтиёж кўрилмакда эди. Камина ҳам шул муаллимлар жумласидан ўлдугумдан бу эҳтиёжни-да ародан кўтармак ва болаларнинг табиатларина миллий ҳасрат ва надоматлардан иборат ўлан насихатларни ўрнашдурмак орзусинда ўз тарафимдан ёзилуб, газета ва мажмуаларда нашр ўлунмиш миллий шеърларни илова эдарақ, “Адабиёт” унвони остида ушбу мажмуанинг нашрина жасорат этдим. Шоядки, биродарларим — муаллим афандилар-да баним бу жасоратимдаги қусуроти афу пардаси ила ёпуб, мактабларда ашъор таълими учун бу мажмуани интихоб эдарлар” (1, 83).

Адибнинг мактабда ғазал жанрини ўқитишда эътибор қаратган асосий жиҳатлари ҳам айни шу дарслик-мажмуада ўз аксини топган. Абдулла Авлонийнинг “Адабиёт” номли тўрт жуздан иборат шеърлар тўплами ва “Мактаб ва гулистон” дарслиги юқори синфлар учун мўлжалланган бўлиб, адабий асарлардан ташкил топган, уларда ифодали ўқишнинг яққа ва хор билан ўқиш, декломация ва диалог, инценировка, драматизация турлари берилган (7, 7).

“Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” китобининг I жузъида муаллиф ўзи томонидан ёзилган, уч хил жанрга мансуб бўлган саккизта шеърни (ҳамд ва наът бундан мустасно) киритган. Улардан тўрттаси ғазал, биттаси мусаддас ва учтаси мухаммас жанрига мансуб. Дарслик-мажмуадан жой олган илк шеър “Биз, миллат” радифли ғазал ҳисобланади:

На хўрлик, на касолат? — Доимо афгор биз, миллат,  
Ҳама гул даста қилса, не терармиз? — Хор, биз, миллат.  
Жаҳолат қазияси дўндурди истикболни рифъатдан,  
Маъоз-иллоқки, на иқрор, на инкор — биз, миллат.  
Тутуб селоби ғафлат мавжи ғамға ташлади, хайхот,



Жаҳон Жайхунларига тўймайи тайёр — биз, миллат...

Ҳар бир шеър сўнгида унинг вазни ёзиб кўрсатилган. Китобнинг II жузъида мумтоз лириканинг турли жанрларига (қитъа, мухаммас, мусаддас, мурабба, таржебанд ва бошқалар) оид йигирма саккиз шеър киритилган ва уларнинг салмоқли қисмини) ғазаллар (адади — ўн иккита) ташкил этган. Китобнинг III жузъидаги ўттиз тўрт шеърдан йигирматаси, IV қисмидаги йигирма етти шеърдан ўн учтаси ғазал жанрида битилган. Кўриниб турганидек, Абдулла Авлоний дарсликдаги асосий ўринни, замондошларидан фарқли ўларок, айнан ғазал жанридаги шеърларга ажратган, лекин адиб ғазални айнан қай тарзда ўқувчиларга тушунтиргани, қайси усуллардан фойдалангани ҳақида бирор маълумот йўқ.

Шунга қарамай дарсликни кўздан кечириш маълум хулосаларни беради. Масалан, Авлоний ҳар **шеърнинг сўнгида унинг вазн кўрсаткичларини қайд этиб ўтган**. “Ғазаллар таҳлилида шеърини вазн ҳам эътибордан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ. Зеро, ғазалдаги мусиқийлик, равлонлик мана шу вазн туфайли рўёбга чиқади” (10, 84). Яъни Авлоний ҳар бир шеърнинг, хусусан, ғазалнинг ҳам вазнини аниқлаш, арузга мувофиқ ифодали ўқилишига эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаган. Чунки “ўқувчилар шуурига лирик асарда тасвирланган руҳий ҳолат манзараси этиб бормоғи учун шеър маромига етказилиб ифодали ўқилиши керак” (8, 232). Шундагина шеър мазмуни тўлиқ ўзлаштирилади, унинг таъсир кучи ошади ва ундаги ғоя ўқувчи онгига самарали таъсир этади. Авлонийнинг ғазал ўқитишга оид мазкур принципи бугунги кун дарсликларидан ҳам давом эттирилмоқда, фақат жорий дарсликларда муайян ғазалнинг вазни қайд этилади, холос. Бизнингча, дарсликларда ғазал матнини тегишли вазнларга солинган ҳолда — таътеъларга ажратиб бериш амалиётини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ана шунда замонавий ўқувчида мумтоз ритм ва ифода тарзидан баҳраманд бўлиш имкони пайдо бўларди.

Умуман, лирик асарларни, жумлада, ғазалларни ўрганишда ҳам узвийлик ва узлуксизлик тамойили устуворлик қилгани маъқул кўринади. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётимизни ўқитиш борасида кўп меҳнатлари сингган йирик олим Субутоё Долимов бу борада катта анъаналар мавжудлигини таъкидлар экан, юқори синф ўқувчилари учун ёзилган “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” китобининг I жузъида берилган шеърлар қуйидаги тартибда ўқитилганини қайд этади:

— дастлаб шеър соддалаштирилиб, ўқувчилар шеърнинг маъноси билан таништирилган;

— ҳар бир шеърни аруз вазнига мувофиқ ўқиш ўргатилган;

— болалар бу баҳрларнинг урғуларига риоя қилиб шеърни қайта ўқишган;

— ўқитувчи ҳам шеърни тегишли баҳрга мувофиқ такрор ўқиб берган (4, 10).

Бундан ташқари, Абдулла Авлоний қўлланмадан жой олган баъзи ғазаллар қайси куйга солиб ижро этилишига доир изоҳлар ҳам берган. Демак, адиб ғазалнинг куй оҳангига мос ҳолда ўқилиши унинг мазмунини англашда энгиллик туғдиришини назарда тутди. Масалан, китобнинг IV қисмидан жой олган “Ҳофиздан” деб номланувчи ғазал “Баёти Шероз куйига”, “Муножот” сарлавҳаси остидаги ғазал халқ куйларидан “Сегоҳ”га солиб куйланишини қайд этади. Айтиш мумкинки, Авлоний ғазал ўқитишда мусиқа интеграциясини жорий этган илк ўзбек методисти ҳамдир. “Авлоний янги ғояларнинг мусиқа, халқ куйлари воситасида, кўшиқлар шаклида ўқувчилар қалбига тезроқ

ва таъсирлироқ кириб бориши мумкинлигини яхши тушунган” (6, 26). Яна бир жиҳати шуки, Авлоний мазкур китобдаги ғазал ва бошқа лирик асарларни халқ куйига солиб ўз ўқувчиларига ижро эттирган ҳамда уларни пластинкаларга ёзиб, бошқа мактабларга ҳам тарқатган. Бу методикамизда аудиокитоблар шаклланишининг илк босқичи вазифасини ҳам ўтаган, шунингдек, **ғазал ўқитишга техниканинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш** аъёнасини ҳам бошлаб берган эди. Юқорида ғазал жанри дарслик-мажмуада асосий ўрин тутишини кузатдик. Мазкур ғазалларнинг мавзуси ва мазмунини ўрганиш — таҳлил қилиш ҳам замонавий дарсликларни ислоҳ этиш нуктаи назаридан долзарблик касб этади. Гарчи барча мумтоз шоирлар ижодида ошиқона ғазаллар етакчилик қилса-да, Авлоний бу қўлланмага бундай ғазалларнинг бирор намунасини киритган эмас. Бунинг сабабларини ўрганиш натижасида шундай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Дарслик материалларини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам, уларнинг умумий адабий тайёргарлиги ҳам инобатга олинган.

2. Танланган материалларнинг таълимий жиҳатдан тегишли мазмун қамровига эғалиги кўзда тутилган, яъни уларнинг, албатта, маърифий аҳамиятга молик бўлишига эътибор қаратилган.

3. Биргина ғазал эмас, балки барча жанрга оид шеърлар тўлиғича ахлоқий-таълимий йўналишда ёзилган. Яъни **ўқувчи учун ғазални саралаб олиш ва унда ахлоқий-таълимий мавзунинг устуворлиги** Абдулла Авлонийнинг лирик асарларни ўқитишга оид муҳим педагогик принципларидан бири ҳисобланади. “Маърифий ғазаллар мактаб, маориф, илм-фан, тараққиётнинг фойдасини кўрсатишга қаратилгани, маърифатга даъват мазмунида бўлгани боис, бундай шеърларда танлаб олинган нарса-ҳодиса турли томонлардан, турли хил ташбеҳ-тамсиллар воситасида таъриф тавсиф этилади, унинг ўнлаб фойдали жиҳатлари қайд этилади. Уларда қисқа муддатли ҳис-туйғуларнинг лирик тасвирини эмас, идрок этилган ҳақиқатнинг турли таъриф-тавсифини, бу ҳақиқатнинг жадид-ижодкор кўзгусидаги инъикосини кўрамыз” (3, 20).

Авлоний дарслик-мажмуасидан жой олган шеърларнинг ҳар бир мисраси тўлиғича жадидларнинг бош ғояси — илму маърифатни тарғиб этишга бўйсундирилган. Авлоний ҳам юқорида Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат танқид қилиб ўтган ўринларга ҳамоҳанг тарзда куйидаги фикрларни билдиради: “Масалан, Фузулийдан: “Санамлар саждасидур бизда тоат тангри чун зоҳид, /Кими кўрсанг, сан ўз динингда таклифи намоз айла”; ёки Навоийдан: “Йигитликда қолиб эрдим атосини балосиға, / Қариганда дағи колдум балосини балосиға”; ёки Хожа Ҳофиздан “Нагўяматки, ҳама сол майпарастни кун, / Се моҳ май хўру нў моҳ порсо мебош” ва сойралар каби зоҳирда ошиқона ўлан ғазалларни маъноларин англасунлар. Англаганларидан на фойда? Балки, “Фалон азиз шундай дейдур”, — деб бузук ахлоқлар мубтало ўлмаклари табиийдур” (1, 80).

Мунавварқори Абдурашидхонов, Авлоний ва Фитрат таъкидлаётган мазкур муҳим жиҳат бугунги ғазал ўқитиш методикасида ҳануз долзарблигини йўқотган эмас. Биз ғазал ўқитишда ишқбозлик, шахсий кечинмалар ифодаси акс этган асарлардан имкон қадар тийилиб, бугунги кун учун долзарб бўлган, ўқувчига ҳаётий кўникмаларни эгаллашда ёрдам берадиган асарларга эътибор қаратишимиз зарур. Зеро, мураккаб рамзлар асосига қурилган ғазаллар,

Фитрат домла айтганидек, хануз аксарият соҳа мутахассисларигагина тушунарли, холос. Шунга кўра, бундай лирик асарларни тушунтиришга мавжуд аудиториялар муайян тайёргарлик кўрганларидан кейингина ўтиш мумкин бўлади. Шу боис мазкур масала жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

**Хулоса.** “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” дарслик-мажмуасидаги адабий матнлар билан танишиб чиқиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, Авлоний ғазал ўқитишда, асосан, *ғазални аруз вазни билан алоқадорликда ўргатиш, ғазални мусиқа билан интеграциялаб ўргатиш, ғазал ўқитишига техниканинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқувчи учун ғазални саралаб олиш ва унда ахлоқий-таълимий йўналишининг устуворлигини таъминлаш* принципларига таянган. Авлоний мазкур мажмуага киритган ғазал намуналарининг аксарият қисмини ўзи ижод этган. Бунда муаллиф анъанавий ғазал жанрининг шаклий талабларига риоя қилган ҳолда унинг мавзу-мундарижасини замонавий масалалар билан янгилаган. Ўзбек ғазалиёти, педагогикаси бисотини ахлоқий-таълимий мазмундаги ғазаллар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшган.

Ғазал ўқитишда ифодали ўқишнинг турли воситаларидан фойдаланиш орқали унда ифодаланган фикрларнинг ўқувчига тушунарли бўлишини асосий мақсад этиб белгилаган. Айни шу жиҳатлар мазкур дарслик-мажмуани “Туркистоннинг энг машхур муаллимлари дарс жадвалина киритуб, майдони таълим кўйишлари”га (1, 166) сабаб бўлган эди. Буларнинг барчаси ҳали адабиёт фанини ўқитиш методикаси тарихида ҳам, айрим жанрларни ўрганиш борасида ҳам қоронғи нуқталарнинг оз эмаслигини, улар устида мутахассисларимиз жиддий иш олиб боришлари зарурлигини кўрсатиб турибди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ибратлар. — Тошкент: Маънавият, 2009. — 272 б.
2. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. — Тошкент: Маънавият, 2003. — 198 б.
3. Афоқова Н. Жадид ғазалиёти. — Тошкент: Фан, 2005. — 34 б.
4. Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Пед.фан.док.....дисс. автореферати. — Т., 2008. — 44б.
5. Долимов С. Умр сабоқлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1978. — 80 б.
6. Долимов У. Ифодали ўқиш методининг асосчиси. // Тил ва адабиёт таълими журнали. — 2006. — № 2. — Б. 22–26.
7. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. — Тошкент: Ўқитувчи, 1973. — 160 б.
8. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умутаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.док.....дисс. — Т., 1996. —302 б.
9. Мактабхона // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2000. — 412 б.
10. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Амалий ва лаборатория машғулотлари. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012. — 144 б.
11. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 112 б.
12. Фитрат. А. Танланган асарлар. 6 жилдлик. 5-жилд. — Тошкент: Маънавият, 2010. — 304 б.
13. Қосимов Б. Абдулла Авлоний. Адабий-педагогик портрет. — Тошкент: Ўқитувчи, 1979. — 56 б.



### References

1. Abdulla Avlonii. *Tanlangan asarlar. Ikki zildlik. 1-zild. She"rlar, ibratlar* (Selected works. Two volumes. 1-volume. Poems, signs), Toshkent: Ma"naviyat, 2009, 272 p.
2. Abdurashidkhonov M. *Tanlangan asarlar* (Selected works), Toshkent: Ma"naviyat, 2003. —198 b.
3. Afokova N. *Zhadid gazalieti* (Jadid's invention), Toshkent: Fan, 2005. — 34 b.
4. Dolimov U. *Zhadid maktablari: ularda ona tili va adabiet ukitishning ilmi-nazarii hamda amalii asoslari* (Jadid schools: scientific-theoretical and practical bases of teaching native language and literature), Ped.fan.dok.....diss. avtoreferati, Tashkent, 2008, 44 p.
5. Dolimov S. *Umr saboklari* (Lessons of life), Toshkent: Ukituvchi, 1978, 80 p.
6. Dolimov U. *Til va adabiet ta"limi*, 2006, No. 2, pp. 22–26.
7. Zunnunov A. *Uzbek adabiet metodikasi tarixidan ocherklar* (Essays on the history of the methodology of Uzbek literature), Toshkent: Ukituvchi, 1973, 160 p.
8. Iuldoshev K. *Yangilangan pedagogik tafakkur va umuta"lim maktablarida adabiet ukitishning ilmi-metodik asoslari* (Янгиланган педагогик тафаккур ва умутаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари), Ped.fan.dok.....diss. T., 1996, 302 p.
9. *Maktabkhona, Uzbekiston millii entsiklopediyasi. 5-zild.* (School, National Encyclopedia of Uzbekistan. 5-volume), Tashkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi nashrieti, 2000, 412 p.
10. Tukhliev B. *Adabiet ukitish metodikasi. Amalii va laboratoriya mashg'ulotlari* (Methods of teaching literature. Practical and laboratory classes), T.: Alisher Navoi nomidagi Uzbekiston millii kutubxonasi, 2012, 144 p.
11. Fitrat A. *Adabiet koidalari* (Literature rules), Toshkent: Ukituvchi, 1995, 112 p.
12. Fitrat A. *Tanlangan asarlar. 6 zildlik. 5-zild* (Selected works. Six volumes. 5-volume), Toshkent: Ma"naviyat, 2010, 304 p.
13. Kosimov B. *Abdulla Avlonii. Adabii-pedagogik portret* (Abdulla Avlani. Literary-pedagogical portrait), Toshkent: Ukituvchi, 1979, 56 p.